

Сув —ҳаёт ва тириклик билан бирга, ноз-неъматлар бойлиги рамзи ҳисобланади. «Узгипроводхоз» институти инженер-олимлари сувларни жойларга етказиб бериш лойиҳаларини тузадилар. Гидравлика ва дарё ўзанлари жараёнлари лабораториясида бу борада амалий ишлар олиб борилмоқда.

Суратда: суғориш жараёнларида қўлланиладиган насос станциясининг макетини сектор мудири С. Басов ва лаборатория мудири И. И. Классен кўздан кечиришмоқда.

Э. Зоҳидов фотоси.

Илмий-техника тараққиёти йўлидан

# Лазер тракторни бошқармоқда

Лазер нури янги касбни эгаллади. «Главсредазирсовхозстрой»га қарашли «Оргтехстрой» институти мутахассислари унга каналларни балчиқ ва лойдан тозалашни «ўргатдилар»... Дарҳақиқат, бу ишни у ўзи эмас, балки земснаряд ёрдамида бажаради. Нур земснарядни канал бўйлаб «етаклаб» юради, шу оператор пультига зарур ахборот келиб тушаверади.

Лазер Ўзбекистон хўжаликларида, айниқса қўриқдаги хўжаликларда қўл келмоқда. Нур ёрдамида ерлар текисланмоқда, дренаж қувурлари ётқизилмоқда. Дала ёнида ўрнатилган лазернинг айланиб турадиган нури далада ишлаётган скреперларнинг фотоприёмнигига кетма-кет тушади. Агар машинанинг тиғи жуда баланд кўтарилиб ёки аксинча жуда пастлаб кетган бўлса, нур приёмникнинг «назаридан» чиқиб кетади ва ҳайдовчи пультида шунга яраша сигнал лампочкаси ёнади.

«Жиззахстепьстрой», «Каракалпакирсовхозстрой», «Каршистрой» бошқармаларида лазерни ишлатиш лабораториялари очилди. СССР Электрон саноати министрлиги корхоналарида чиқарилаётган стандарт системалар республикамизда янги сифатларга эга бўлди. Приборни созлаш осонлашди, камёб аккумулятор ўрнига «Оргтехстройда» яратилган стабилизатор ўрнатилди. Бу стабилизатор лазерларни ва фотоприёмникларни трактор генератори энергияси билан таъминлайди.

Лазернинг хислатларига ҳеч ким шубҳа қилаётгани йўқ. Ерларни текислашда лазер нури чўлқуварларни қозиқ қоқишдек сермашаққат ва зерикарли ишдан халос этади, маълумки бу қозиқлар скреперчининг ишлаши учун зарур. Беш гектар майдон лазерсиз текисланадиган бўлса, бир кун керак бўлади. Лазер ёрдамида бошқариладиган машиналар далани лойиҳада белгилаб қўйилганидан нари борса 3—5 сантиметр четга чиқиб сифатли қилиб текислаб беради. Одатда бу кўрсаткич 25—30 сантиметрни ташкил этар эди. Натижада ҳар гектар ерни текислашда 35 сўмлик иқтисодий самара олинмоқда.

Яна бир рақамни келтириб ўтайлик: ўтган йили Ўзбекистонда 3550 гектар майдонни текислаш ва дренаж қувурлари ётқизиш учун лазер системаларидан фойдаланилди. Бу жуда оз, лекин план-топшириқларда белгиланганидан ортиқдир...

— Сув хўжалиги ходимлари лазерларга жуда қизиқиб қолишди, —деб ҳикоя қилади «Оргтехстрой» институти бўлимининг бошлиги Б. А. Ўринбоев. — Лекин бу техникани жорий этиш муаммалари кўп. Ишлаб чиқариладиган системаларнинг қимматга тушаётганлиги ва иш устида панд бериб қўяётганлиги объектив муаммолар сирасига киради. Одамлар янгиликка ихлос қўйиб, ундан фойдаланишга уринадилар, аммо лазер тез-тез ишдан чиқиб туриши одамлар маошига таъсир қилиб қолади, ана шундан кейин муносабат ҳам ўзгаради. Лекин ишнинг иккинчи томонини ҳам таъкидлаб ўтиш муҳимдир: республикамизда лазерларни жорий этиш ва ўзлаштириш чўзилиб кетди. Жаҳон даражаси уёқда турсин, умумиттифоқ даражасидан ҳам орқада қолиб кетдик. Лазер йўлида ғовлар кўп. Уларни ишлатиш ва ремонт қилиш бўйича мутахассислар етишмаяпти, хизмат кўрсатиш базаси суст ривожланмоқда. Иқтисодчилар лазер ёрдамида бошқариладиган техникани ҳайдаётган кишилар меҳнатига ҳақ тўлаш соҳасида ҳанузгача «калаванинг учини» топганлари йўқ.

Имиллашнинг оқибати ана шундай: бундан мамлакат жадаллаштириш мароми билан яшаётган шу кунларда сабоқ чиқариб олиш айниқса муҳимдир. Бирмунча муддат ўтганидан кейин биз сув хўжалиги индустрияси корхоналарида робот техникасини жорий этишга киришамиз. Бу соҳада ҳам ўтган йиллардаги хатоларни қайтармаслик керак.

В. ПРУГЕР,
ЎзТАГ мухбири.

САЛОМАТ БЎЛИНГ

Буни ҳамма билиши керак

## Доридан заҳарланиб қолганда...

**Тезда медицина ёрдами бериш зарур бўладиган бахтсиз ҳодисалар учраб туради, бунга дорини даво дозасидан ошириб ичиш сабаб бўлади. Бундай заҳарланишлар аллергик реакциялардан, дорини кўтара олмасликдан организмнинг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ бўлади ва улар дорининг даво дозасини ичганда ҳам пайдо бўлиши кутилади. Одам бундай дорини ичишни тўхтатганда ёки тегишлича даво олганда бу реакциялар ўтиб кетади.**

Бирор дорининг аллергик реакция бериши ва қўшимча таъсир кўрсатиши маълум, врач беморга дори буюрганда ана шуларни эътиборга олади. Мана шунинг учун ҳам дориларни врачнинг қатъий кўрсатмаси асосида ичиш лозим.

Одам кўпинча врачдан берухсат, дўстлари, танишбилишларининг маслаҳати билан бир хил ёки бир неча турдаги дориларни ўзича бирданига ичганда заҳарланиб қолади. Баъзилар дори дозасини ошириб ичганда аҳвол тезроқ яхшиланади, деб нотўғри ўйлайдилар.

Баъзи дориларни, масалан, уйқу дориларини, тинчлантирувчи препаратларни биргаликда кайфи бор одам ичганда ҳам заҳарланиш рўй беради. Кўпинча болалар дорилардан заҳарланиб қолади... Бунга жуда кўп ҳолларда катталар сабабчи бўладилар, чунки улар дориларни болалар тега олмайдиган жойга яшириб қўймайдилар.

Уйқу дорилари ва тинчлантирувчи препаратлардан заҳарланиш кўпроқ учрайди, бу дорилар деярли ҳамма оилада бўлади. Бунда одамни уйқу босади, бўшашади, ҳаракатлар ҳолати бузилади, сал гандираклаб юради. Агар у дорини жуда кўп ичмаган бўлса, бу аломатлар орадан бир неча соат ўтгач ёки 1—2 кундан кейин ўтиб кетади. Мабодо одам оғир заҳарланиб, ҳушидан кетса, у албатта касалхонада даволанади.

Сўнгги йилларда юрак-томир системасининг турли касалликларини даволаш учун буюрилган дорилар (дигоксин, дигитоксин, обзидан, изоптин, финоптин, гемитон, клофелин ва бошқалар)дан заҳарланиб қолиш ҳоллари ҳам кузатилмоқда. Одатда бу дорилар дозадан ортиқ миқдорда ичилганда юрак ритми бузилади, юрак тўсатдан тўхтаб қолиши мумкин. Шунинг учун заҳарланиб қолганга шубҳа бўлганда тезда врач чақириш зарур.

Иситма туширадиган, шамоллашга қарши дорилар (ацетилсалицилат кислота, амидопирин, парацетамол, анальгин), сульфаниламидлар (этазол, сульфадиметоксин ва бошқалар) деярли ҳамма хонадондан топилади. Безарар бўлиб кўринган бу дориларни ҳам дозадан ортиқ ичганда ўткир заҳарланишга сабаб бўлиши мумкин, бунда жигар, буйрак зарарланади.

Баъзи аёллар ҳомиладорликни тўхтатиш учун айрим токсик дорилардан фойдаланадилар, бу ҳам кўпинча заҳарланишга олиб келади. Бироқ, аёл одатда хоҳлаган натижага эриша олмайди, унда заҳарланиш аломатлари тезда намоён бўлади. У қайт қилади, қорни оғрийди, юрак уриши тезлашади. Жуда оғир ҳолларда эшитиш, кўриш қобилияти бузилади, юрак фаолияти издан чиқади.

Дорилардан заҳарланиб қолмаслик учун уларни жуда эҳтиёт бўлиб, фақат врач кўрсатмаси билан, у тавсия қилган дозадагина ичиш керак. Дориларни болалардан ва турли руҳий касалликлари бор кишилардан эҳтиёт қилиш зарур.

Агар одам доридан заҳарланиб қолса, у фақат касалхонада даволанади. Кўпгина шаҳарлардаги касалхоналарда ихтисослаштирилган токсикология бўлимлари ва тез медицина ёрдами станцияларида ана шундай бригадалар ташкил қилинган.

Доридан ўткир заҳарланиб қолган ҳар қандай ҳолларда зудлик билан «Тез ёрдам» машинасини чақиринг. У келгунча бемор меъдасини чайишга ҳаракат қилинг.

Бемор ҳаракатлари ўзгарса, гандираклаб юра бошласа уни дарров ўринга ётқизиб қўйинг. Агар у ҳушидан кетса, бошини ён томонга буриб қўйинг.

«Тез ёрдам» машинаси келганда бемор ичган дори қутичасини медицина ходимларига беришни унутманг, агар иложи бўлса дорини қачон, қанча миқдорда ичганини айтинг.

М. ОРИФЖОНОВА
тайёрлаган.



Инсон сиҳат-саломатлигини, айниқса дунёга янги келган чақалоқлар сиҳатлигини муҳофаза қилишда шифокорларимиз доим сидқидиллик кўрсатишади. Шаҳримиздаги 5-кўп профилли болалар касалхонасида болапарвар медицина ходимлари ишлашади.

Суратда: врачлардан С. В. Ивлиев ва Н. Эргашевлар (ўртада) медицина ҳамширалари билан хирургия бўлимида чақалоқларнинг сиҳат-саломатлигини текширишмоқда.

Т. Каримов фотоси.

Шифокор қабулида

## САРАТОН ОФТОБИДАН САҚЛАНИНГ

**Офтобда кўпроқ юрилса, тезда бош оғриб қолади. Офтобда чиниқишда, саратон кунларида офтобдан сақланишда нималарга эътибор бериш керак! Шу ҳақда мақола ўқишни истардик.**

**Суннат Самадов, Шерали Неъматов, Абдусаттор Абдуқодиров, ишчилар.**

Саратон қуёши. Ёз кунлари унинг тафти кескин кўтарилиб кетиши, нурларининг активлашиши натижасида офтоб уриш ҳоллари кузатиб турилади. Бу ҳол киши организмининг ҳаддан ташқари қизиб кетиши туфайли унда иссиқлик балансининг ўзгаришидан келиб чиқади.

Одатда ёз ойларида қуёш нурларининг тери тўқималарига таъсири кучли бўлади. У терида витаминлар тўпланишида, аллергик касалликларга қаршилик кўрсатиш қобилиятини мустаҳкамлашда, периферик нерв хасталикларнинг олдини олишда ва даволашда муҳим аҳамиятга эга. Демак, офтобда тобланишнинг соғлиқ учун муҳим томонлари ҳам бор. Ахир, қуёш ваннаси зарур муолажалардан бири ҳисобланади. Шунга қарамай, офтобда тобланишнинг ҳам ўз ўрни бор. Бунинг учун офтобда қачон ва қандай тобланишни билиш зарур.

Офтобда тобланишни бирданига амалга ошириб бўлмайди. Бунинг учун аввало бир неча кун мобайнида оздан-оздан тобланилади. Борди-ю, кўп вақт офтобда бош кийимсиз фақат сув истеъмол қилиб юрилса, албатта офтоб уради. Қуёшнинг ультрабинафша нурлари нисбатан кўп бўладиган пайтларда тобланиш керак. Бу пайтлар бизнинг шароитимизда эрталаб соат 8,5—9,5 ва 10 ларда, кечқурунлари соат 19 ва 20,5 ларга мос келади.

Офтоб уришнинг асосий белгиларига ҳолсизланиш, дармонсизланиш, тери тўқимасининг қизариб кетиши, ортиқча терлаш, нафас қисиши, юрак уришининг тезлашиши, бош оғриғи ва қайт қилиш каби ҳолатлар киради. Бундан ташқари, офтоб урган киши ва ёш болалар нуқул совуқ сув ичгиси келади. Иссиқ овқат егиси келмай қолади.

Одатда офтоб урган кишининг ҳарорати 38—41 даражагача кўтарилиб, ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатилмаса кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши ҳам мумкин. Офтоб урганда терининг биринчи ва иккинчи даражали куйиши ҳам юз бериши мумкин. Бундай ҳолларда куйганга қарши махсус мазлардан фойдаланилади.

Иссиқ ва офтоб уришнинг олдини олиш учун организмни ҳаддан ташқари исиб кетишдан, сув ва туз моддалари кўплаб йўқолишидан сақлаш керак. Иссиқ ойлари бош кийимсиз юрмаслик ва соябон-зонтиклардан фойдаланиш ҳам яхши самара беради.

Офтобли, иссиқ кунларда айниқса ёш болаларга сузма, қатиқ, айрондан кўпроқ бериб туриш керак. Сузмадан чалоп тайёрлаб ичиш, болаларнинг бошини қатиқда ювиб туриш ҳам яхши фойда беради. Шунингдек, квас, морс ва кўк чой яхши чанқовбосди ичимликлар ҳисобланади. Сифати юқори бўлган ва ёғли овқатларни меъёрида истеъмол қилиш керак. Овқатланганда витаминли мева-сабзавотлардан рационал фойдаланиш лозим. Иссиқ кунларда овқатни салқин пайтларда, эрталаб ва кечқурунлари кўпроқ истеъмол қилиш керак. Бу дегани тушликда овқат емасин деган гап эмас. Чунки, тушликда иссиқ пайтда иштаҳа овқатга кўп ҳам талабгор бўлавермайди.

Офтоб урган одамни дарҳол соя-салқин жойга олиш, бошини совуқ сув билан ҳўллаш ёки совуқ сувга намланган сочиқлар қўйиш керак.

Бундай одамларнинг қўлтиғи тагини ҳам ҳўл сочиқ билан артиб туриш яхши натижа беради. Муҳими, офтоб урган одам врач назоратида бўлгани яхши. Тез-тез ҳарорат ўлчаниб, нафас йўлларини кузатиб туриш, беморнинг тили тортилиб томоққа тиқилиб қолмаслиги керак. Бундай беморлар ёнбошлаб ётгани яхши, оғзини эса тез-тез чайқаб туриш керак бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, офтобда тобланиш одамни бақувват қилади, бироқ офтоб урганда эса, одам ёмон ҳолатга ҳам тушиб қолади. Шу боисдан ҳам офтобда тобланишдан олдин албатта врачдан маслаҳат олиш зарур. Офтоб урмасин десангиз, бош кийим кийинг, сифатли овқатланинг ва иложи борича, соя-салқинда бўлишга ҳаракат қилинг.

У. НАЗАРОВА,
36-поликлиника врачи.

«Самарали меҳнат ва соғлом турмуш учун» Бутуниттифоқ рейди давом этмоқда

# 12. „ЁВУЗ ОҒУ" СЎҚМОҚЛАРИ

## Кўз ёши билан ёзилган мактуб

Анови киши мастликдан қалтираб қолган қўллари билан стакандан нима ичаётганини биласизми? У хотини ва болаларининг кўз ёши, қони ва ҳаётини сипқоряпти.

Фелисте ЛАМЕННЕ,
француз ёзувчиси.

Ҳаёт ширин, яшаш ундан ҳам ширин. Фаровон турмушимизни гулзорга қиёс қиламиз. Бироқ, ана шу гулзорда «чақир тиканак» бор эдики, у гулларни исканжага олиб, чиройига раҳна солар, соя ташлар эди. Таъбир жоиз бўлса, ўша «чақир тиканак»— ичкиликбозлик деган машъум ва ёвуз иллат эди. Унга қарши кураш жанг каби оғир бўлса ҳам халқнинг иродаси етарди, шунинг учун ҳам бу оғуга кескин кураш бошланди.

Меҳнат-машаққатнинг ёқимли мевасини яққол кўряпмиз. Оилаларга хотиржамлик, қутбарака, файз-тароват кира бошлади. Кўча-кўйда, тўйтомошаларда, ишхоналарда хорғин кўзлар, сўлғин юзлар кўринмай қолди. Одамлар нигоҳида тиниқ нур ўйнайди, чеҳраларида гул табассум қилаётганга ўхшайди.

Ҳушёр турмуш тарзининг фазилат-хосиятларини, нашъунамосини, роҳату-лаззатини, ақли тетик, руҳи тиниқ одам билади. Ҳушёр яшаш ва меҳнат қилишнинг гаштини кўз ўнгимизга келтириб кўрайлик.

Биринчидан, ичмаган соғлом одам эрталаб ўрнидан кайфияти қушдек енгил бўлиб уйғонади. Уйдагиларнинг чеҳраси ҳам гул-гул очилиб туради. Болаларнинг табассуми ҳам ғунчадек чиройли кўринади. Иштаҳа билан нонушта қилиб, ҳаммага «хайр-хўш» деб ишхонага яхши кайфиятда йўл олинади.

Иккинчидан, ҳушёр киши кун бўйи унумли меҳнат қилиб, руҳи-кайфияти кўтарилиб кетади. Ҳамма ходимлардан тортиб корхона раҳбаригача яхши ишлаган одамга меҳрилтифот билан қарайди. Унумли меҳнат меваси ва мана шу меҳр-илтифотнинг ўзи ҳар қандай чарчоқни ёзиб юборади.

Учинчидан, кўчаларни сайру-саёҳат қилиб, бола-чақага у-бу нарса олиб уйга файз-қувонч билан кириб борилади. Шунда болаларнинг қўнғироқдек овозда: «Адажоним келдилар!» деб севинишлари, онажонлар ва рафиқаларнинг «Адажониси келдиларми?» деб кумуш жарангидек овоз беришлари оламни мунаввар этиб юборади. Ана энди бутун оиланинг давра қуриб лаззатли овқатланишини, ширин суҳбатлашиб дардлашишини: катталар юмуши, фарзандлар тарбияси, инсоний ҳислат-фазилатлар тўғрисида гурунлашишнинг гашти қанчалар роҳатлигини, юракларга бунинг қанчалар фароғатлигини тасаввур этиб кўринг.

Ёвуз оғу —ичкилик ичилганда эса мана шу роҳат-фароғатларнинг ҳаммаси азоб-уқубатга, ғам-кулфатга ва бало-офатга айланиб кетади. Ҳаётнинг гашти —фаровон яшаш, ҳалол меҳнат қилиш, ҳар ишда ақл-идрокни ишлатиш, ота-она, хотин, бола-чақаларнинг умр-тақдирини ўйлаш, ҳамма-ҳаммаси унутилиб, арақнинг касофат уммонига ғарқ этиб юборилади.

Юракни зирқиратадиган мана бу икки мактубни ўқинг:

**«Мен шаҳримизнинг Ҳамза районида яшаётган кўп болали оналардан бириман. Хатга исми-шарифимни ёзмадим, чунки турмуш ўртоғимдан қўрқаман. Баъзиларга (шу жумладан умр йўлдошимга ҳам) ибрат бўлармикин, деб бошимдан ўтганларни қоғозга туширдим.**

**Менинг умр йўлдошим таксопаркда шофёр бўлиб ишлайдилар. Ҳар куни уйга арақ олиб келиб, кечаси билан ичадилар. Ичганларига ҳам майли дейману, ёш болаларим олдида бақиришлари, сўкишлари, ноўрин ҳақорат қилишлари жон-жонимдан ўтиб кетади. Яна эрталаб ўринларидан туриб карахт ҳолда: «Бошим қаттиқ оғрияпти», деб ишга бўйин қисиб чиқиб кетадилар. Оғзиларидан гупиллаб арақ ҳиди келиб туради. Бу аҳволда қандай қилиб такси машинасини ҳайдаркинлар, йўловчиларни бирор фалокатга йўлиқтирмасмикинлар деб кун бўйи жон таслим қилиб ўтираман. У киши яна кечқурун ичиб, «яримта»ни қўлтиқлаб кириб келадилар.**

**Ҳар куни аҳвол шу. Ҳамма қўшниларникида тинчлик-хотиржамлик, ўйин-кулги, хурсандчилик. Бизнинг оиламизда эса дадаси бақириб-чақиради, уриш қилади, яқиндан бери қичқирадиган, арслонга ўхшаб бўкирадиган одат чиқардилар. Буни кўриб тўрт қизим, тўрт ўғлимнинг жони халак бўлиб кетаяпти. Ҳаммаси отасини кўриши билан тумтарақай бўлиб қочади. Кенжа ўғлим саккиз ойлик чақалоқ, у бечора ҳам дадасининг бақиришларидан кўзлари жовдираб чинқириб йиғлаб юборади.**

**Ичкиликбоз эрим туфайли ўн беш йилдан бери аҳволим шундай. Дардимни бировга айтолмайман, саккиз боламни ташлаб «ҳайё-хув» деб бир ёқларга қочиб кетолмайман, йиғлаб-йиғлаб аламимни кўз ёшимдан оламан. Қараб туриб ичкилик гирдобига тушиб қолган умр йўлдошимга ҳам ачинаман, гулу-суқсурдек фарзандларим тақдирини ўйлаб ўртанаман. Яна ўша, кучим етгани —йиғлаб-йиғлаб кўз ёшимдан алам оламан. Ҳайронман, энди нима қилсамикин, нима қилсам ҳаётим яхши изга тушиб кетаркин!»**

Мунис онанинг изтироблари ана шундай. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиган она мактубини дилда сақлайликда, интернат мактабда тарбия олаётган ёш қизчанинг кўз ёши билан ёзган мана бу юрак сўзларини ўқийлик:

**«Уйимизда жанжал бўлган ўша кунни ҳеч эсимдан чиқармайман. Одатдагидек, кечқурун дадам маст бўлиб, чайқалиб кириб келдилар, ойижонимни ҳақоратлаб, овозлари борича сўкиндилар. «Адажон, секинроқ сўкининг, қўшнилар безовта бўлишяпти» дегандим, биқинимга қаттиқ тепдилар, вой-войлаб қочдим. Кейин бир чеккада кўзлари ола-кула бўлиб қўрқиб турган беш яшар укам Фарҳоднинг қулоғи тагига шарақлатиб тарсаки урдилар. У бир оз ўзини билмай турди-да, тарсаки зарби таъсирини кейин сезди шекилли, жони ачиб бирдан ҳўнграб юборди. Ойижоним аччиқ кўз ёшларини, азобланаётганларини биздан яшириб, тескари қараб турардилар. Фарҳоднинг ҳўнграб юборганига чидолмай уни кўтариб бағриларига босдилар. Шу пайт дадам ойижонимнинг кўксидан укамни юлқиб олиб, эшикдан йўлакка отиб юбордилар, ойижонимни тепкилай кетдилар.**

**— Йўқол, йўқолларинг! — деб ўшқирдилар. — Ҳозир ҳаммангни ўлдираман!**

**...Кечаси ойижоним билан кичкина уйда қамалиб, дамимиз ичимизга тушиб, қўрқибтитраб ётдик. Укам Фарҳоднинг қулоғидан қон оқиб, бунинг устига иситмаси кўтарилиб кетди.**

**Эртасига дадам вақтли туриб шахсий машиналарида кетиб қолибдилар. Ойижоним билан укамни касалхонага олиб бордик. Қулоғининг пардаси йиртилиб кетган экан, бир ой педиатрия касалхонасида ётиб даволанди, аммо қулоғи эшитмайдиган бўлиб қолди. Дадам Фарҳодни кўргани касалхонага бир марта ҳам бормадилар, ҳол-аҳвол ҳам сўрамадилар.**

**Бир куни эрталаб кўча эшигимизни аллаким тақиллатди, чиқиб қарасак дадам билан магазинда бирга ишлайдиган ёш йигитча экан. У ғамгин туриб, кечирим сўраётгандек гап бошлади:**

**— Гулсора опа, ҳаёт шунақа... Эрмат акам кеча кўп ичиб, машиналарида аварияга учраб оламдан ўтибдилар...**

**Ойижоним бу хунук хабарни эшитиб фарёд уриб юбордилар...**

**Шундай қилиб, биз етим қолдик. Ёлғиз ўтирганларимда аччиқ-аччиқ йиғлайман. Энди дадамни ким топиб беради! Ким бизни юпатади! Ким синган кўнглимизни қайта тиклайди! Дадам умрига завол бўлган шишалармми! Ичган арақларими! Йўқ, дейман алам-аччиқ билан, ичкиликдек ёмон касофатдан ҳеч ким яхшилик кўрмаган. Буни мен бобомлардан эшитганман. Энди буни ҳамма оталар, ҳамма ичувчилар эзилган юрагимдан садо бўлиб чиқаётганини билиб қўйишсин. Хатни шунинг учун ёздим. Зулфия.»**

Икки оиланинг ширин орзу-умидларига, ўнлаб одамларнинг тақдирига ичкиликбозлик оғуси аччиқ кулфат келтиргани дилимизга ўкинч солади.

Биринчи хатда эрининг ичишидан узоқ азоб чеккан, дили шикаста, ғамбода кўп болали она ўз умр йўлдошининг ичкилик балосидан қандай қутқазишга чора-омил излайди. Ўша ичкиликбоз такси шофёри эс-ҳушини йиғиб ширин оиласини, уй-рўзғорини, ҳали ёш саккиз боласининг келажак тақдирини ўйлаб ичкиликдан нафсини тийиши, ҳеч иккиланмай даволанишга ётиши, ҳушёр ҳаётга қайтиши керак. Акс ҳолда ичкилик гирдоби уни хароб этади.

Иккинчи хат ичкиликка ружу қўйган, текин даромад топиб босар-тусарини билмай қолган, нопок қадам босган баъзи бойваччаларга сабоқ бўлиши керак.

Ҳа, ичкиликбозлик одам бошига шундай кулфатлар келтиради, саломатликни емиради, мурғакларнинг аччиқ кўз ёшини оқизади, оналарни ғамбода, оталарни ситамзада, хотинларни аламзада қилади, яхши дўст-ёрлар орасига жудолик солиб, обрў-иззатни йўқотади, кошона оилаларни вайрона этади, ақл-идрокларни кемириб, хушсизлик, телбалик сари етаклаб кетади, инсонни хор-зорликка солади. Шуларни ўйлаб, одилона мулоҳаза қиламиз: «Ия, инсон ўзи яратган ичкилик деган нарса олдида шунчалар ожизми?» Йўқ! Инсон ақл-заковатда тенги йўқ хилқат, Инсон иродаси шунчалар кучлики, у ичкиликбозлик жиловини балои нафс ихтиёрига бериб қўймайди, оқ шишани ҳаётдан «илдизи» билан қўпориб ташлайди!

Тўлқин РАСУЛЕВ,
СССР Соғлиқни сақлаш аълочиси.

Рассом хандаси



Ўғил: Кечирасиз амаки, дадам ичиб ётган эканлар.
Ичкиликбоз ота: Ҳай, зумраша, отам касаллар, дори ичиб ётибдилар деб айт...



Ичкиликбоз уйғонганда: Бай-бай-бай, кеча роса томоша кўрсатибман-да, хотин ҳам кетиб қолибди.

М. Унгаров расмлари.

